2010 йили БМТ томонидан «Мохов касаллигига нисбатан дискриминацияни йўқ қилиш принциплари ва бошқариш тартиблари» ҳужжати қабул қилинди¹. Бунда касалларнинг омма орасида, диний ишларда, илм, билим, тиббий хизмат олишда тенг ҳуқуқли эканлигини тушунтириш назарда тутилган. Касалларнинг ўзларини, болаларини ишлаётган жойидан, ўқиётган билим даргоҳидан ҳайдаб чиқаришнинг олдини олиш таъкидланган. Ҳукумат томонидан касалларга ҳар тарафлами ижтимоий ёрдам кўрсатиш, беморлар ва уларнинг оила аъзолари ўзлари танлаган жойдан яшаш учун уй олиши кераклиги, ҳукумат берган жойдан эмас, эркинлигини ҳисобга олган ҳолда берилиши лозим.

4.3 Моховга чалинган беморларни айрим ижтимоий гуруҳларда алоҳидалаш даражасини аниқлаш, ўрганиш, йўқ қилиш;

Жамият томонидан, баъзан, беморларга қўлланиладиган камситилувчи иборалар «прокаженный» ва шу маъноларга тенглаштирилган ибораларга чек қўйиш чораларини кўриш. Касалларни, мамлакатнинг турли даражадаги

бошқариш тизимига сайланиш ҳуқуқини таъминлаш ва сайлаш. Беморларнинг касбга ўрганишини, тадбиркорлик билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш. Касалларнинг оммавий, маданият, соғломлаштириш, спорт, диний оммавий тадбирларда қатнашишини қўллаб-қувватлаш. Халқаро сиёсий, ижтимоий, маданият ҳуқуқлари ва Халқаро фуқоралик ва сиёсий ҳуқуқлар конвенциясида ногиронларнинг ҳуқуқлари бошқа соғлом шахслар билан тенглаштириш.

4.4 Моховга чалинган беморларни оммага киритиш ва уларни қўллаб-қувватлаш услубларини ишлаб чиқиш;

Ижтимоий реабилитация масалаларини қайта кўриб чиқиш. Бепул тор тиббиёт мутахассислар консултацияси, сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан таъминланиши, ижтимоий тўловлар олиш ишларини йўлга қўйиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. БМТ томонидан «Мохов касаллигига нисбатан дискриминацияни йўқ қилиш принциплари ва бошқариш тартиблари». Совет по правам человека Тридцать восьмая сессия 18 июня – 6 июля 2018 года Пункт 3 повестки дня. Доклад Специального докладчика по вопросу о ликвидации дискриминации в отношении лиц, затронутых лепрой, и членов их семей*
2. Бабажанов Х.Р. Мохов касаллигига чалинган беморларнинг аниқланиши географик ҳудудга боғлиқми? // Дерматовенерология ва эстетик тиббиётнинг долзарб муаммолари халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами – Тошкент, 2020. № 3 –Б 111–112.
3. Бабажанов Х.Р., Лепра в Сурхандарьинской области Узбекистан // Abstract of the international scientific conference “HEALTH–2018” July 20–22 Ashgabat, Turkmenistan –Р.748.
4. Дуйко В.В. Основные направления организации медико-социальной помощи в современных условиях // дисс. докт. мед. наук. – Москва, 2013.
5. Левичева Ю.Ю., Шац Е.И., Габитова Н.М., Соловьева Е.Л. Технология «Аллоплант» в комплексной терапии нейротрофических язв у больных лепрой // Практическая медицина. – Том 17, № 1. – 2019. – С. 123-126.
6. World Health Organization. Regional Office for South-East Asia. (2018). Guidelines for the diagnosis, treatment and prevention of leprosy. World Health Organization. Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/274127>. License: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.
7. Regional Office for South-East Asia, World Health Organization. (2016). Global Leprosy Strategy 2016-2020: Accelerating towards a leprosy-free world. WHO Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/208824>.
8. Regional Office for South-East Asia, World Health Organization. (2016). Global leprosy strategy 2016-2020: accelerating towards a leprosy-free world - 2016 operational manual. WHO Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/250119>.
9. Regional Office for South-East Asia, World Health Organization. (2017). Global Leprosy Strategy 2016–2020. Accelerating towards a leprosy-free world. Monitoring and Evaluation Guide. World Health Organization. Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/254907>. License: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.

10. Government of Western Australia. North Metropolitan Health Service. Mental Health, Public Health and Dental Services. Guidelines for the Diagnosis, Management and Prevention of Leprosy. February 2019

РЕЗЮМЕ
СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ЭЛЕМЕНТЫ И ОСНОВНЫЕ КОМПОНЕНТЫ
БОРЬБЫ С МОШОВСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН (2022-2030 ГГ.)

Эшбоев.Е.Х.

*ГУП «Республиканский специализированный научно-практический
медицинский центр дерматовенерологии и косметологии»*

d.urunova@yandex.com

Ключевые слова: компоненты, стратегия, эпидемиология лепра, очаги, борьба, стигма, дискриминация.

Ключевые компоненты и стратегические элементы по борьбе лепры в Республике Узбекистан (2022-2030 гг.).

SUMMARY
STRATEGIC ELEMENTS AND MAIN COMPONENTS OF THE FIGHT
AGAINST MOSHOV DISEASE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
(2022-2030)

Eshboev.E.X.

*Republican Specialized Scientific-Practical Medical Center of
Dermatovenereology and Cosmetology SUE*

d.urunova@yandex.com

Key words: components, strategy, epidemiology of leprosy, foci, control, stigma, discrimination.

Key components and strategic elements for leprosy control of Republic Uzbekistan.

УДК: 616-002.73-07

МОХОВ КАСАЛЛИГИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ЛАБОРАТОРИЯ
ТАШХИСОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Эшбоев.Э.Х.

*“Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология
илмий-амалий тиббиёт маркази” ДУК¹*

d.urunova@yandex.com

Калит сўзлар: мохов, клиник диагностикаси, лаборатория ташхисотини такомиллаштириш, муаммолар.

Муаммонинг долзарблиги: ЖССТ моховга қарши стратегияси моховга чалинган беморларни эрта ташхислашни, хусусан, бактериоскопик усулда *M.leprae* ни аниқлашни ўз ичига олади. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳар қандай типдаги мохов касаллигига қарши миллий дастур учун тезкор диагностика билан жиҳозланган сифати кафолатланган лаборатория тармоғи талаб қилинади (1,4,5).

Бу йўналишда беморлар ва уларнинг яқин маиший контактлари йилига камида 2 маротаба лаборатория текширувидан ўтади. Касалликни ўз вақтида тасдиқлаш дори воситаларига резистентликни кескин камайтиради ҳамда ногиронликнинг олди олинади (2,3).

M.leprae га микроскопик йўл билан текшириш вилоят, шаҳар, даволаш профилактика масканлари қошидаги лабораторияларда жорий қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм ҳамда Сурхондарё вилоятида эса яна ИФА услубини тадбиқ қилиш устувор вазифа ҳисобланади.

Худудлардаги барқарор транспорт тизимини такомиллаштириш биопрепаратларни қисқа вақт ичида *M.leprae* га текширадиган лабораторияларга етказиб беришни таъминлайди. Шунинг учун бемор ва тасхишлаш лабораториялар орасидаги масофани қисқартириш зарурати аниқланади. Бунга маълум бир худуднинг географик жойлашувига қараб ҳар бир худудда лабораториялар сонини ва унга талаб қилинадиган ингридиентлар миқдорини кўпайтириш орқали эришиш мумкин (6,7,8).

Мақсад ва вазифалар: *M.leprae* нинг ҳаво томчи орқали юқишини эътиборга олган ҳолда ходимлар орасида биологик хавфсизлик чоралари етарли бўлган лабораторияларни шакллантириш лозим. Ушбу турдаги тадқиқот ишлари фақат тегишли инфратузилмага эга ва инфекцияни назорат қилиш талабига тўлиқ жавоб берадиган лабораторияларда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам *M.leprae* га текшириладиган лабораторияларда инфекцияга қарши кураш чораларини кучайтириш мақсадида лабораторияларнинг инфратузилмасини яхшилаш зарур. Кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида камида биттадан ИФА услубида беморларни ва уларнинг маиший контактларини текшириш учун ҳаво вентиляциялари мавжуд бўлган лабораторияларни реконструкция қилиш учун ариза тақдим қилинади.

Лаборатория тармоғида менежментни жорий этиш. Лаборатория тармоғида Миллий сифат қўлланмасини жорий этиш тасдиқланган Миллий сифат кўрсатмалари стандартлари барча II-V даражадаги лабораторияларда амалга оширилади. Амалга ошириш семинарлар, амалий машғулотлар, маҳорат дарслари кўринишида шу билан биргаликда назарий маърузаларни ўз ичига олади.

Стратегик йўналиши халқаро стандартлаштириш ташкилоти аккредитлашни олиш учун Миллий референс лабораториясининг роли ва салоҳияти каттадир. Миллий референс лаборатория аккредетацияси

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти 15189 “Тиббиёт лабораториялари” Халқаро лаборатория стандартларига мувофиқ амалга оширилади. “Сифат ва малакага алоҳида талаблар” ушбу процедурадан ўтиш Миллий референс лабораторияда йўлга қўйилган ва самарали ишлайдиган сифат менежменти тизимига эга лаборатория сифатида Халқаро тан олинishiга имкон беради.

ЖССТ кўрсаткичлари бўйича, лабораториялар учун мониторинг ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Лабораторияларнинг мониторинги ва баҳолаш тизимининг самарали ишлаши учун ягона ҳисобот тизими ва сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарур. Мониторинг режаси лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланиши ва мунтазам равишда амалга оширилиши керак. Микроскопик тадқиқотлар билан шуғулланувчи лабораториялар Республика ва вилоятлар миқёсидаги мутахассислар томонидан баҳоланиши талаб қилинади.

Йўлланган биологик намуналар, жиҳозлар ва сарф материалларни ўз вақтида узлуксиз етказиб беришни тامينлайдиган логистика тизимини жорий этиш. Лаборатория логистика тизимини яратишда асосий вазифа намуналар сарф материаллари ва реагентларни ўз пайтида етазиб бериш, шунингдек лабораториялар ва тиббиёт муассасалари ўртасида (тадқиқот натижалари ва ҳисоботлар) ишончли ва тезкор узатилишини таъминлашдан иборат. Транспорт тизимининг кафолатли ишлашининг таъминлаш учун тиббий муассасалар ўртасида бионамунлар етказиб берилишини кузатиш механизмлари ишлаб чиқилади. Синов натижаларини узатиш тезлиги ва ишончилигини таъминлаш учун М.Іергае га текширадиган барча лабораториялар телекоммуникация, орг техника ускуналари билан жиҳозланади.

Лаборатория тармогининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Лабоаратория тармоғи юқори сифатли ускуналар билан тўлиқ таъминланади. Барча тиббиёт жиҳозларига мутахассислар томонидан техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Реактивлар, ингредиентлар, синовлар ва сарф материаллари узлуксиз етказиб берилади.

Ахборотни яхши бошқаришни таъминлаш. Ҳамкорлар кўмагида лаборатория маълумотларини бошқариш тизими ишлаб чиқилади ва барча сарф материаллари, реактивлар ва диагностик тестларнинг электрон реестри функциялари билан таъминланади. Шунингдек, мохов касаллигининг эпидемиологик назорати тўлдирилади.

Лабораториялар тармогини кафолатланган, барқарор молиялаштириш. Республикада М.Іергае ни аниқловчи лаборатория хизматларига бўлган эҳтиёж ва харажатлар таҳлили ўтказилади. Лабораториялар тармогининг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағларни давлат томонидан молиялаштириш босқичма-босқич ўсиб боради ва донорлик ёрдами тўлиқ алмаштиради.

Лабораториялар тармоғига давлат томонидан ажратиладиган маблағларнинг кўпайиши ўтиш режасига киритилади.

Кутилган натижалар ва хулосалар. Мохов касаллигини ташхислаш стратегияси ва усуллари Халқаро стандартларга мувофиқ янгиланади ва жорий этилади.

- Иммунофермент анализлар (ИФА) барча даражадаги мохов касаллигининг дастлабки диагностик текшируви сифатида амалга оширилади. Бу йўл билан Республикадаги беморларга яқин мулоқотдорлар қамраб олинади.
- М.lergae ни аниқлайдиган лабораториялар тармоғи барча даражадаги кафолатланган сифатга эга бўлиши зарур. Турли даражадаги лабораториялар ўртасида самарали йўлланмалар амалга ошади.
- Ташхис ва даволаш бўлинмалари ўртасида ишончли алоқалар ўрнатилади ва беморларни ўз пайтида тўғри даволаш амалиётга тақдим этилади.

Қулай муҳитни яратиш орқали мохов касаллигининг самарали олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва парвариш қилишни таъминлаш

- Барқарор ва узоқ муддатли соғлиқни сақлаш тизимини қуриш ва моховга қарши тадбирларни самарали молиялаштириш. Моховга қарши ёрдам дастурини бошқаришни кучайтириш
- Моховга қарши хизматлар кўрсатиш бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мониторингни таъминлаш – аҳолининг мохов касаллигининг учрашига муносабатини тубдан ўзгартириш. Адвокатлик мулоқоти ва ижтимоий сафарбарликни қўллаб-қувватлаш.
- Мохов касаллигининг олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва парвариш қилишнинг устувор йўналишлари бўйича ижобий оператив тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ВОЗ. Руководство по диагностике, лечению и профилактике лепры. – Женева:ВОЗ,2018. – 106с.
2. Дуйко В. В. Результаты и достижения государственной программы по борьбе с лепрой в России за 95 лет // Материалы международной научно-практической конференции по актуальным вопросам лепрологии, посвященной 95-летию противолепрозной службы страны и 70-летию Научно-исследовательского института по изучению лепры (11 октября 2018г.). – 2018. – С. 5 – 16.
3. Эшбоев Э.Х. Сведения о заболеваемости лепрой в Узбекистане(1930-2000гг.) // Междунар.юбил. науч.-прак. конф.посвящ 80-летию противолепрозной службы Республики Казахстан: материалы.- Кызылорда, 2009.-С.72-73.

4. World Health Organization. Regional Office for South-East Asia. (2018). Guidelines for the diagnosis, treatment and prevention of leprosy. World Health Organization. Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/274127>. License: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.
5. Regional Office for South-East Asia, World Health Organization. (2016). Global Leprosy Strategy 2016-2020: Accelerating towards a leprosy-free world. WHO Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/208824>.
6. Regional Office for South-East Asia, World Health Organization. (2016). Global leprosy strategy 2016-2020: accelerating towards a leprosy-free world - 2016 operational manual. WHO Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/250119>.
7. Regional Office for South-East Asia, World Health Organization. (2017). Global Leprosy Strategy 2016–2020. Accelerating towards a leprosy-free world. Monitoring and Evaluation Guide. World Health Organization. Regional Office for South-East Asia. <http://www.who.int/iris/handle/10665/254907>. License: CC BY-NC-SA 3.0 IGO.
8. Government of Western Australia. North Metropolitan Health Service. Mental Health, Public Health and Dental Services. Guidelines for the Diagnosis, Management and Prevention of Leprosy. February 2019.

РЕЗЮМЕ

О РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ БОЛЕЗНИ МОХОВА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ЛАБОРАТОРНОЙ ДИАГНОСТИКИ

Эшбоев.Е.Х.

*Государственный научно-практический медицинский центр
«Республиканский специализированный дерматовенерологии и
косметологии» ГУП*

d.urunova@yandex.com

Ключевые слова: лепра, клиническая диагностика, усовершенствования лабораторной диагностики, проблемы.

“О раннем выявлении лепры и совершенствовании лабораторной диагностики”.

SUMMARY

ON EARLY DIAGNOSIS OF MOKHOV'S DISEASE AND IMPROVEMENT OF LABORATORY DIAGNOSIS

Eshboev.E.X.

*State Scientific-Practical Medical Center "Republican Specialized
Dermatovenereology and Cosmetology" SUE*

Key words: leprosy, clinical diagnostics, improvement of laboratory diagnosis problems.

“On early detection of leprosy and improvement of laboratory diagnosis”

УДК 615.835.5:616.2-002.1

ФИТОТЕРАПИЯНИ СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ «В»ДА САМАРАСИ ВА УНИ КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАШ

Юлдашев Я.М., Мирзакаримова Д.Б., Каюмов А.М.

Андижон давлат тиббиёт институти

d.urunova@yandex.com

Калит сўзлар: сурункали вирусли гепатит, жигар, фитотерапия, гепатопротектор, трансаминазалар, билирубин.

Сурункали вирусли гепатитларнинг кенг тарқалганлиги, баъзи ҳолларда оғир, асоратли, геморрагик синдром билан кечиши, циррозга ўтиши, айримлари ўлим оқибатлари билан тугаши ва махсус даволаш усуллари самарасини пастлиги ва препаратларни баҳосини қимматлиги бу касалликни даволашда янги дори-дармонлар излашни, унинг таъсирини ўрганишни тақозо этади ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади [2,3,5,6,8].

Доривор ўсимликларни қўллаш долзарблиги охирги йилларда бекиёс ортди, чунки кимёвий препаратларни қўллашда терапевтик омадсизликлар ва ятроген асоратларнинг ортишига олиб келмоқда [3,7,9]. Доривор ўсимликлар устунлиги уларни кам токсиклиги ва узоқ вақт давомида айтарли асоратларсиз қўллаш имкониятидир [7]. Бу йўналишда юқори гепатопротектор хусусиятга эга, жигар фаолиятида метоболизмни яхшиловчи маҳаллий фармакопия хом ашёси ҳисобланган доривор ўсимликлардан тайёрланган Бозоров йиғмаси ҳисобланади. Кўрсатилган доривор ўсимликларни яна бир қиммати унинг биологик актив моддаларга (алкалоидларга) бой бўлганлиги сабабли гепатопротектор таъсиридан ташқари тинчлантирувчи, спазмолитик ҳамда яллиғланишга қарши хусусиятлари ҳисобланади. Табiiй келиб чиқиши, организмга ёмон таъсирини йўқлиги бошқа дориларга нисбатан афзаллигидир [1,7].

Ўзбекистон флораси ёввойи ҳолда ўсувчи фойдали ўсимликларга бойки, уларни ўрганиш амалиёт учун қимматларини аниқлаш имкониятини беради. Ўзбекистонда кенг тарқалган доривор ўсимликлардан тайёрланган Бозоров йиғмасини илмий адабиётларда юқори самарали жигарни метоболик, ўт ҳосил бўлиши ва ўт ажратиши функцияларини яхшилаш, гепатопротектор таъсирга ва иммунитетни кучайтирувчи таъсир кўрсатувчи хусусиятларга эгалиги ҳақида

маълумотлар келтирилган [1,7]. Бозоров дамламаси 6 хил фармакопия хом-ашёси доривор гиёҳлар йиғмасидан иборат булиб, булар Эрмон (Трава полыни горькой) – *Artemisia absinthium*, Тограйхон (Трава душицы мелкоцветной) – *Origanum*, Тирноқ гул (Цветки ноготки) – *Flores Calendulas*, Бузноч (Цветки бессмертника) – *Helichrusum maracandium*, Буймадарон (Трава тысячелистника) – *Achillea millefolium*, Сув қалампиридан (Трава водяного перца) – *Polygonum* ташкил топган.

Илмий изланишни максади: Бозоров йиғмаси таркибидаги биологик актив моддаларнинг токсик гепатитларда самарадорлигини ўрганиш ҳақидаги маълумотни йўқлиги, вирусли гепатитларда бу доривор препаратни кенг қўлланилмаганлиги фармакопия хом ашёси бўлган ўсимликлардан ташкил топган препаратнинг касалликни жигарни ҳимояловчи, қон ивишига таъсирини каламушларда экспериментал ҳамда сурункали вирусли гепатит В(ВГВ) беморларида касалликни кечиши, биохимик кўрсаткичларга ва гемостазга таъсирини текширув орқали ўрганишни мақсад қилинди.

Материаллар ва текшириш усуллари: Бозоров йиғмаси препаратининг жигарни ҳимояловчи ва қон ивишига таъсирини ўрганиш учун экспериментал каламушларда 4-хлорли углерод билан чақирилган токсик гепатит ёрдамида амалга оширилди. Тажриба 42 та оғирлиги 180-210 граммни ташкил қилган оқ каламушларда ўтказилди. Каламушлар 4 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ – соғлом каламушлар, иккинчи гуруҳ – назорат гуруҳи, учинчи ва тўртинчи гуруҳ – асосий гуруҳ.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи гуруҳларга 50%ли 4-хлор углерод 100 грамм каламуш оғирлигига 0,4 мл дан 4 кун (Б.Н.Левшин усулида) тери остига юборилди. Шу кунлар мобайнида берилган 4-хлор углерод каламушларда токсик гепатит чақиритиш учун етарли бўлди [4].

4-хлор углерод берилганда тажрибадаги хайвонларнинг умумий ҳолати оғирлашди, уларда кучли бўшашишлик, иштаха пасайиши, юнгининг дағаллиги ҳамда уйқучанлик кузатилди. Тажрибанинг 6-кунига бориб клиник белгиларни яққол намоён бўлиши билан бирга, биохимик кўрсаткичларда ҳам ўзгаришлар кузатилди. Биохимик кўрсаткичлардан қондаги аланин аминотрансфераза (АлАТ) ва аспарат аминотрансфераза (АсАСТ) кўрсаткичларида фаоллик $4,5 \pm 0,09$ мкмоль/л, $2,85 \pm 0,08$ мкмоль/л гача ортди. Соғлом каламушларда бу кўрсаткичлар $0,62 \pm 0,0$ ммоль/л ва $0,65 \pm 0,0$ мкмоль/л ни мос равишда ташкил қилди.

Каламушларни ёриб кўрилганда жигарнинг ҳажмини катталашуви, дағаллашуви, юза текислигининг бузилиши ҳамда рангининг ўзгариши каби патологик ўзгаришлар кузатилди. Морфологик ўзгаришлар билан бир вақтда гемокогуляцияда ҳам патологик томонга силжиш кузатилди, қон оқиши $225,5 \pm 11,9$ сек (соғлом каламушларда бу кўрсаткич $151,0 \pm 10,82$ сек) тенг бўлди.

Маълумки, сурункали вирусли гепатит В да геморрагик синдромларни келиб чиқишида гемостаз, айниқса тромбоцитопения муҳим

ўрин тутати. Шу сабабли, бу касалликни даволаш учун патологик жараёни асосий буғимларига таъсир қилувчи дориларни қўллаш патогенетик асосланган.

Бизни кузатувимизда 24 ёшдан 68 ёшгача булган 63 нафар сурункали вирусли гепатит В билан касалланган беморлар бўлиб, булардан 37 нафари аёл, 26 нафари эркакдан иборат. Сурункали вирусли гепатит В эпидемиологик, клиник – тахлилий ва ультра товуш текшируви ёрдамида тасдиқланган. Сурункали ВГВ беморларида қон ивиш тизимини ўрганиш учун тромбоцитлар сонини ва тромбоэластограф (ТЭГ) кўрсаткичларини (қон ивиш вақти - Р, умумий қон ивиш вақти – Р+К, коагуляция индекси – Сі, ивиш эластиклиги - МЕ) аниқлаш билан амалга оширдик. Текширилган беморларда сурункали вирусли гепатит В кўзгалган даврда қондаги тромбоцитлар сонини $134,63 \pm 8,45$ мингача камайганлигини кўрсатди, соғлом одамларда бу кўрсаткич $267,76 \pm 5,36$ мингга тенг. ТЭГ кўрсаткичлари гипокоагуляцияни кўрсатувчи белгиларни аниқладик.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Бозоров йиғмаси препаратининг гепатопротекторлик хусусияти ва гемокогуляцияга таъсирини ўрганиш учун асосий гуруҳ каламушларга препаратнинг 2% ли эритмасидан ҳар 100 грамм оғирлигига 0.5 мл.дан оғиз орқали зонд билан 10 кун мобайнида бериб борилди. Экспериментнинг 10 куни каламушлар ёриб кўрилиб, тахлилий текширувлар ўтказилганда шуни кўрсатдики, Бозоров йиғмаси берилган каламушлар ҳолати тез яхшиланди, периферик қонда эритроцитлар, рангли кўрсаткич, гемоглобин, тромбоцитлар сони, назорат гуруҳига нисбатан, тез меъёрга яқинлашди, назорат гуруҳида юқоридаги кўрсаткичлар паст ҳолдалигини кўрсатди. АлАТ ва АсАТ кўрсаткичлари асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан меъерий кўрсаткичга анчагина яқин келганлигини кўрсатди ($P < 0,001$).

Қон оқиши асосий гуруҳ каламушларда $158,5 \pm 10,7$ сек., назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $203,0 \pm 9,7$ секундга тенг бўлди ($P < 0,002$).

Бозоров препарати берилган каламушлар жигари гистологик текширилганда жигарни балкалари яхши намоён бўлган, марказий веналарни кўплари тўлақонли, овал формада. Синусоидал қон томирлар жигар пластинкалар орасида жойлашган. Гепатоцитлар бир хил ўлчамда, қирралари яхши намоён бўлган гексанал формада, цитоплазмаси грануляр, ядроси юмалоқ шаклда, хужайра марказида жойлашган, нормахром, баъзиларида 2 тадан ядроча учрамоқда, хужайра марказида жойлашган, нормахром. Бозоров препарати берилмаган каламушлар жигари кўрилганда макроскопик тўқимада кичик ўлчамли сарғимтир ўчоқлар кузатилди. Гистологик текширишларда жигар балкалари яхши намоён бўлган, марказий веналар тўлақонли, овал формада. Гепатоцитлар турлича ўлчамда, баъзиларини тузилмаларини четга суриб майда ва ўрта калибирли ёғ томчилари жойлашган. Кўпчилик ядролар – юмалоқ

формада, гепатоцитларни ўлчамлари катталашган, нотўғри гексанал формада. Донадор дистрофия ҳолатда, цитоплазмаси хира тортган.

Шундай қилиб, экспериментал токсик гепатит чақирилган каламушларга Бозоров препарати клиник ва морфологик ўзгаришларга ижобий таъсир қилган.

Сурункали вирусли гепатит В беморларида препаратни самарасини билиш мақсадида кузатувимиздаги 63 бемор ёши ва касаллик оғирлиги бўйича бир хил бўлган 2 гуруҳга бўлинди: 32 нафари биринчи (асосий) гуруҳ, 31 нафари иккинчи (назорат) гуруҳи. Иккала гуруҳ ҳам бир хил шароитда даволанди, асосий гуруҳ анъанавий даволаш усулига қўшимча Бозоров йиғмасидан тайёрланган 3% қайнатмадан 50-100 мл.дан овқатдан 30 дақиқа олдин кунига 3 маҳалдан 14-18 кун давомида истеъмол қилган. Препаратни беришга кўрсатма кўп ҳолларда анъанавий даволаш усулидан яхши самара бермаслиги, касалликни чўзилиши, сариқлик белгисини юқори даражада сақланиши ҳисобланди. Клиник кузатувдан шу нарса маълум бўлдики, Бозоров препарати билан даволанган беморларда касалликни белгиларидан камқувватлик, бош оғриги, кайфиятни ёмонлиги, уйқуни бузилиши, иштаҳани пастлиги, теридаги кичишиш, кейинроқ, тери ва склерадаги сариқликликни йўқолиши, жигарни қисқариши 6-8 кун эрта кузатилган. Қиёсий гуруҳлар орасидаги ҳисоблар ишончли ($P < 0.01-0.001$).

Бозоров йиғмаси ВГВ беморларини биохимик курсаткичларига ва гемостазга ижобий таъсир кўрсатган. Бу препарат таъсирида қондаги билирубин миқдори, трансферазалар (АСТ ва АЛТ) фаоллиги тезроқ меъёрлашган. Бизни текширувимиз шуни кўрсатдики, Бозоров препарати истеъмол қилган беморлар назорат гуруҳидан фарқли, асосий клиник белгиларни эрта йўқолиши билан бирга қондаги тромбоцитлар сонини $231,69 \pm 7,9$ мингтагача кўпайишини аниқладик, яъни соғлом одамлардаги кўрсаткичга яқинлашган, шу даврда назорат гуруҳидаги беморларда эса $183,48 \pm 8,5$ мингда қолган. / $P < 0,001$ /.

ТЭГ кўрсаткичлари (қон ивиш вақти - Р, умумий қон ивиш вақти - Р+К, коагуляция индекси - Сі, ивиш эластиклиги - МЕ)га ижобий таъсир курсатиб соғлом одамлар кўрсаткичига яқинлашган, назорат гуруҳидагиларда бу кўрсаткичлар кўп ўзгармаган, қиёсий гуруҳлар орасидаги фарқ ишончли / $P < 0,001$ /.

Фармокопия хом ашёси ҳисобланган, Ўзбекистонда кенг тарқалган, захираси етарли ўсимликлардан тайёрланган Бозоров препаратини сурункали вирусли гепатит В беморларини даволашда кенг қўллашга тавсия этиш мумкин.

Хулосалар:

1. Экспериментал токсик гепатит чақирилган каламушларга Бозоров йиғмаси препарати клиник ва морфологик ўзгаришларга ижобий таъсир қилган. Қон ивиш вақтини тезлатган, тромбоцитопозни кучайтирган.

2. Сурункали вирусли гепатит В беморларида касаллик белгиларини йўқолишига, биохимик курсаткичларни тезроқ меъёрлашуви билан гемостазни яхшиланишига олиб келган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применения. М., Ташкент 1990 г. С. 284-286.
2. Закирходжаев А.Х., Таджиев Б.М. «Вирусные гепатиты», Ташкент. 2009, С. 26-50.
3. М.В., Рейзис А.Р. Решенные и нерешенные вопросы применение аномальных нуклеозидов в лечении хронического гепатита В у детей. Журнал Эпидемиологии и инфекционные болезни. Москва, 2003. № 6 ст. 43-48.
4. Кравченко Л.В., Турсунов Н.В. и др. Характеристика острого токсического действия четыреххлористого углерода как модели окислительного стресса. Ток. вест. 2009 г. № 1 с. 12-17.
5. Нечаев В.В., Мукомолов С.Л., Назаров В.Ю. Вирусные гепатиты: прошлое, настоящее, будущее. Журнал Эпидемиология и инфекционные болезни 2013. № 3 С. 4-10
6. Нисевич Н.И., Учайкин В.Ф. «Тяжелые и злокачественные формы вирусного гепатита» М. 1981
7. Садриддинов Ф.С. Фармакология растительных алкалоидов и их применение в медицине Ташкент М. 1980.
8. Шахгильдян И.В., Михайлов М.И., Онищенко Г.Г. Парентеральные вирусные гепатиты –М., 2003. С. 171-236.
9. Шерлок К.Ш., Дули Д.Ж. Заболевания печени и желчных путей: Пер. с англ. – М.: ГЭОТАР – МЕД. 2002.- 864 с.

РЕЗЮМЕ

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ФИТОТЕРАПИИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ВИРУСНОМ ГЕПАТИТЕ "В" И ЕЕ КЛИНИКО-ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ОБОСНОВАНИЕ

Юлдашев Я.М., Мирзакаримова Д.Б., Каюмов А.М.

Андижанский государственный медицинский институт

d.urunova@yandex.com

Ключевые слова: хронический вирусный гепатит, печень, фитотерапия, гепатопротектор, трансаминазы, билирубин.

В статье изучено положительное влияние препарата Бозорова на клетки печени, биохимические показатели и свертываемость крови при экспериментальном токсическом гепатите у 42 белых крыс, морфологически и биохимически подтверждены гепатопротекторные свойства. Клинико-аналитическое обследование 63 больных хроническим

вирусным гепатитом В показало положительное влияние Бозорова на течение заболевания, на показатели аланин- и аспараттрансаминазы, билирубина, тромбоцитов и показателей тромбоэластограммы.

SUMMARY
EFFICIENCY OF PHYTOTHERAPY FOR CHRONIC VIRAL
HEPATITIS "B" AND ITS CLINICAL AND EXPERIMENTAL
JUSTIFICATION

Yuldashev Ya.M., Mirzakarimova D.B., Qayumov A.M.

Andijan State Medical Institute

d.urunova@yandex.com

Key words: chronic viral hepatitis, liver, phytotherapy, hepatoprotector, transaminases, bilirubin.

The article studied the positive effect of Bozorov's preparation on liver cells, biochemical parameters and blood clotting in experimental toxic hepatitis in 42 white rats, hepatoprotective properties were confirmed morphologically and biochemically. Clinical and analytical examination of 63 patients with chronic viral hepatitis B showed a positive effect of Bozorov on the course of the disease, on the parameters of alanine and aspartate transaminase, bilirubin, platelets and thromboelastogram parameters.

УДК: 616.98:004.5:004.9

ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Юнусов Музаффар Мирпозирович

Андижон Давлат тиббиёт институти

d.urunova@yandex.com

Калит сўзлар: Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ), мослашиш, ижтимой, стигма, дискриминация.

Кириш. Дунё мамлакатлари ўртасида ОИВ инфекцияси пандемияси кўламининг ортиб бориши инсониятнинг хавфсизлигига таҳдид қилаётган катта омиллардан бири бўлмоқда. Ушбу касалликка учраган беморларни даволашнинг қимматлиги ва касалликнинг ижтимой-иқтисодий оқибатлари долзарб муаммолигича қолмоқда [2,4,7,10]. Ҳозирги кунда дунё бўйича ОИВ-инфекцияси билан яшовчи шахсларнинг ярмини аёллар ташкил этади ва уларнинг 60% Африкадаги Саҳрои Кабирнинг жанубига тўғри келади. Кейинги 10 йил ичида жаҳонда ОИВ- инфекцияси билан яшовчи шахслар ичида аёллар улуши барқарорлиги кузатилди [5,7,8].

Мазкур инфекциянинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари (МДХ) аҳолиси, жумладан болалар ўртасида турли даражада тарқалган, жумладан Россия давлатида кейинги 10 йил давомида ОИВ инфекция

билан зарарланган ота-оналардан 41 мингга яқин болалар туғилган. Замонавий тиб биётнинг ривожланиши туфайли 98-99% ҳолатларда шу касалликка чалинган оналарнинг фарзандлари соғлом туғилган. Айрим ОИВ инфекцияли оналарда ОИВ инфекциясининг онадан болага ўтишининг олдини олиш тартиблари бузилиши ёки бошқа сабаблар туфайли 2 мингга яқин туғилган болаларда ОИВ инфекцияси юққанлиги аниқланган. Уларнинг 20%га яқинида ота-онаси томонидан болалар уйига топшириш ҳолатлари кузатилган [2,3,6,9].

Муаммолардан бири — болалар ўзининг касаллик статусини билгандан сўнг тенгқурлари орасида камситиш ҳолатлари уларнинг ҳаёт давомида руҳиятига салбий таъсир кўрсатган. ОИВ инфекцияли болаларнинг ота-оналар томонидан касаллик ташҳисини боғча ва мактаблар педагоглари ҳамда тенгдошларидан яшириш ҳолатлар кузатилиб, уларнинг ижтимоий мослашуви жараёнида қатор муаммолар кузатилмоқда [6,10]

Текширув мақсади. ОИВ инфекцияли болаларнинг ижтимоий мослашуви ва улар орасида стигма ва дискриминация ҳолатларини ўрганиш. Материал ва услублар. ОИВ инфекцияли 475 нафар болалар, жумладан 3 ёшдан 6 ёшгача боғча ёшидаги 56 нафар (11,8%), 7 ёшдан 11 ёшгача кичик мактаб давридаги 225 нафар (47,4%) ва 12 ёшдан 18 ёшгача катта мактаб давридаги 194 нафар (40,8%) ОИВ инфекцияли болалар орасида ижтимоий мослашуви, стигма ва дискриминация ҳолатлари ўрганилди. Текширув материаллари статистик усулда таҳлил қилинди. ОИВ инфекцияли болаларнинг ижтимоий мослашув жараёнларида инсонлар ва ташқи муҳит таъсирлари асосий омил ҳисобланади. Биринчи навбатда тарбия ва таълим олиш, меҳнат ва касбга тайёргарлик муҳим ўринни эгалайди. Ижтимоий мослашув жараёнида ОИВ инфекцияли болалар ўртасида шу инфекция туфайли уларнинг ота-оналари томонидан фарзандидан воз кечиш ва болалар уйига қолдириш ҳолатлари кузатилмади. ОИВ инфекцияли болалар ўртасида ОИВ билан боғлиқ бўлган стигма ва дискриминация ҳолатлари учради. Хусусан, ОИВ инфекцияли болаларда ўз-ўзини англаш, ўзини паст баҳолаш ва депрессия ҳолатлари кузатилди. Шунингдек ОИВ инфекциясининг тарқалиши, клиник кечиши ва даволаш ишлари ҳамда олдини олиш чоралари бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш стигма ва дискриминация билан курашишнинг самарали усули бўлгани учун янада кенг қамровли тушунтириш ишларини барча соҳаларда хусусан таълим тизимида, оила ва оммавий ахборот воситларида давом эттириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Текширув материаллари ва услублари. Илмий изланишлар жараёнида 475 нафар ОИВ инфекцияли болалар назорат гуруҳига олинган, жумладан 3 ёшдан 6 ёшгача боғча ёшидаги 56 нафар (11,8%), 7 ёшдан 11 ёшгача кичик мактаб давридаги 225 нафар (47,4%) ва 12 ёшдан 18 ёшгача

катта мактаб давридаги 194 нафар (40,8%) ОИВ инфекцияли болалар ўртасида тадқиқот олиб борилди. Уларнинг ижтимоий мослашуви, стигма ва дискриминация ҳолатлари ўрганилди. Ҳар бир беморни текшириш ихтиёрийлик, анонимлик ва махфийлик тартибида олиб борилди. Текширув материаллари статистик усулда таҳлил қилинди.

Текширув натижалари. Илмий тадқиқот кузатувларида, 475 нафар назоратдаги ОИВ инфекцияли болаларда ОИВ инфекцияси аниқлангандан сўнг ота-онаси томонидан фарзандидан воз кечиш ёки меҳрибонлик уйларига ташлаб кетиш ҳолатлари кузатилмади.

ОИВ инфекцияли болаларнинг ижтимоий яшаш шароитлари ўрганилди. Аниқланган натижалар бўйича 11 нафар ОИВ инфекцияли болаларнинг 2,3% ярим етим жумладан, ота ёки онаси вафот этган, 9 нафари (1,9%) эса чин етим, ота-оналари бошқа сабаблар билан вафот этганлиги сабабли яқин қариндошлари билан истиқомат қилади. Шунингдек 455 нафар 95,8% болалар ота-оналари билан бир оилада яшайди. ОИВ инфекцияли назоратга олинган 65 нафар 13,6% болалар кам таъминланган оила фарзандилиги бўйича маҳалла фуқаролар йиғинида рўйхатга олинган.

ОИВ инфекцияли болалар яшаётган оиладаги ота-онасидан ташқари бошқа оила аъзоларининг ушбу инфекция билан зарарлангани тўғрисида хабардор бўлиши ҳам ўрганиб чиқилди.

Улардан мактабгача давр (3-6 ёшда) 12 нафари (2,5%), кичик мактаб даври (7-11 ёшда) 54 нафари (11,3%), катта мактаб даврида (12-18 ёшда) 42 нафар (8,8%) бўлган. Ота-оналари фарзандининг бу инфекция билан зарарланганидан бошқаларни хабардор қилишни ҳоҳламаган ва сир сақлаган. ОИВ инфекцияли 367 нафар (77,3%) болаларнинг ота-онасидан ташқари бошқа оила аъзолари ва қўшнилари, маҳалласидаги бошқа шахслар ОИВ инфекцияси билан зарарлангани тўғрисида маълумотга эга бўлмаган.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларнинг шу инфекция тўғрисида қайси ёшда хабардор бўлганлиги ёши бўйича ўрганилди. Мактабгача даврда (3-6 ёш) 56 нафар (100%) болалар организмида ота-онаси томонида КТРСН ва бошқа инфекциялар борлиги тўғрисида тушунча берилган. ОИВ инфекцияси тўғрисида фарзандига маълумот берилмаган.

Кичик мактаб давридаги (7-11 ёш) 225 нафар болалардан 10-11 ёшдагиларнинг 46 нафари (20,9%) ОИВ инфекцияси билан зарарлангани тўғрисида хабардор бўлиб, тенгдошлари ва бошқалардан сир сақлаган.

Катта мактаб ёшидаги (12-18 ёш) 194 нафар болалардан 54 нафари (27,8%) шу ёшда ОИВ инфекцияси янги аниқлангани сабабли шифокор томонидан, 140 нафари (72,2%) аввалдан тиббий назоратга олиниб, ота-онаси ҳамкорлигида шифокор билан ОИВ инфекцияси юққанлиги

тушунтирилган. Улар ҳам касаллиги тўғрисидаги маълумотни бошқа шахслардан сир сақлаган.

Мактаб ёшидаги 419 нафар назоратдаги болаларга ОИВ инфекцияси юққанлигини хабардор қилиш вақтида уларнинг руҳияти турғун эмаслиги ва жуда нозиклиги эътиборга олиниб, беморларнинг умумий руҳий ҳолати баҳоланди ва қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- ўзини ўзи паст баҳолаш — 26 нафари (6,2%);
- ипохондрия (ҳаддан ташқари кўп ташвишла- ниш) ҳолати — 86 нафар (20,5%);
- ижтимоий депривация (яккаланиб қолиш) ҳола- ти — 15 нафар (3,5%);
- депрессия ҳолати — 32 нафар (7,6%);
- касалликни англамаслик ёки тушунмаслик — 20 нафари (4,7%);
- ғамгинлик ва сокинлик ҳолати — 240 нафар (57,2%).

ОИВ инфекцияли болаларнинг ижтимоий мослашув жараёнларида инсонлар ва ташқи муҳит таъсирлари асосий омил ҳисобланади. Биринчи навбатда тарбия ва таълим олиш, меҳнат ва касбга тайёргарлик муҳим ўрин эгаллайди. Ўсмирлик даврида ОИВ инфекцияли болаларнинг жисмоний тарбия ва мунтазам спорт билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ижтимоий мослашув даврида назоратдаги ОИВ инфекцияли болаларнинг ўз тенгқурлари билан бир хил жисмоний юкламалар олиши организмда тез чарчаш ва иммун танқислик ҳолатларига олиб келади. Бу ўз навбатида ОИВ инфекцияли болаларда руҳий эмоционал чекинишни юзага келтиради.

Хулоса. Ижтимоий мослашув жараёнида ОИВ инфекцияли болалар ўртасида шу инфекция туфайли уларнинг ота-оналари томонидан фарзандидан воз кечиш ва болалар уйига қолдириш ҳолатлари кузатилмади. ОИВ инфекциясининг болаларга юққанлиги тўғрисидаги асосий маълумотлар катта мактаб ёшидаги даврда тушунтирилган ва маълумотлар тенгдошларидан сир сақланган. Назоратга олинган ОИВ инфекцияли болалар ўртасида ОИВ билан боғлиқ бўлган стигма ва дискриминация ҳолатлари учради. Хусусан, ОИВ инфекцияли болаларда ўз ўзини англаш, ўзини паст баҳолаш ва депрессия ҳолатлари кузатилди.

ОИВ инфекциясининг тарқалиши, клиник кечиши ва даволаш ишлари ҳамда олдини олиш чоралари бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш стигма ва дискриминация билан курашишнинг самарали усули бўлгани учун янада кенг қамровли тушунтириш ишларини барча соҳаларда, хусусан таълим тизимида, оила ва оммавий ахборат воситларида давом эттириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Атабеков Н.С., Маткаримов М.Д., Ражабов Г.Х. и др.. ВИЧ-инфекция в Узбекистане и её эпидемиологические особенности в современных условиях. Узбекистан тиббиёт журнали. 2013; 5: 36-37.
2. ВИЧ-инфекция в Российской Федерации на 31 декабря 2014 года. Федеральный научно-методический центр по профилактике и борьбе со СПИДом ФБУН ЦНИИЭ. Р-Покровский В.В. 1-4.
3. Доклад ЮНЭЙДС к всемирному дню борьбы со СПИДОМ. 2011: 11-15.
4. Даминов Т.О., Тўйчиев Л.Н ва бошқ. ОИВ-инфекцияси. Услубий қўлланма. Тошкент. 2011: 9-15.
5. Лигман Г., Макадон Х.Дж. ВИЧ-инфекция. Москва. 2012: 17-18.
6. Пельменев В.К., Никитин Н.С., Никитина А.С. Физкультура-оздоровительные технологии. Вестник Балтийского федерального университета им.И.Канта. 2011; 11: 101-105.
7. Покровский В.В. ВИЧ-инфекция и СПИД. Клинические рекомендации. Москва. 2010: 17-18.

РЕЗЮМЕ

СОЦИАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ДЕТЕЙ С ВИЧ-ИНФЕКЦИЕЙ

Юнусов Музаффар Мирпозирович

Андижанский государственный медицинский институт

d.urunova@yandex.com

Ключевые слова: Вирус иммунодефицита человека (ВИЧ), адаптация, социальный, стигма, дискриминация.

Была изучена социальная адаптация у 475 детей с вирусом иммунодефицита человека, состояние стигмы и дискриминации. Из них дети дошкольного возраста составили: от 3 до 6 лет 56 человек (11,8%), младшего школьного возраста — от 7 до 11 лет — 225 человек (47,4%) и старшего школьного возраста — от 12 до 18 лет — 194 человек (40,8). Материалы исследования анализированы методом статистики. В процессе социальной адаптации среди детей с вирусом иммунодефицита, человек и влияние окружающей среды являются главными факторами. В первую очередь образование и воспитание, труд и подготовка к профессии занимают важное место. В процессе социальной адаптации среди детей с вирусом иммунодефицита человека не было случаев отказа родителей от детей.

SUMMARY

SOCIAL CHARACTERISTICS OF CHILDREN WITH HIV

Yunusov Muzaffar Mirpozilovich

Andijan State Medical Institute

Key words: HIV infection, adaptation, social, stigma, discrimination.

Social adaptation was studied in 475 children with human immunodeficiency virus, the state of stigma and discrimination. Of these, preschool children were: from 3 to 6 years old 56 people (11.8%), primary school age - from 7 to 11 years old - 225 people (47.4%) and senior school age - from 12 to 18 years old - 194 people (40.8). The research materials were analyzed by the statistical method. In the process of social adaptation among children with immunodeficiency virus, the person and the influence of the environment are the main factors. First of all, education and upbringing, work and preparation for the profession occupy an important place. In the process of social adaptation among children with human immunodeficiency virus, there were no cases of parents abandoning their children.

УДК: 616.98:579.841.93 -036.22 -079.4

**МИЛЛИЙ СТАНДАРТ ЗАРДОБИ ЯРАТИЛИШИНИ
БРУЦЕЛЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ТАШХИСОТИДАГИ
АҲАМИЯТИ**

Юсупов Акмал Пўлатович

*Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли
ва паразитар касалликлар илмий- амалий тиббиёт маркази*

akmal.yusupov.1989@mail.ru

Калит сўзлар: бруцеллёз, антиген, стандарт зардоб, ташхисоти, сероэпидемиология.

ЖССТнинг бруцеллез бўйича бирлашган кўмитасининг маълумотларига кўра ҳар йили дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатларида 500 мингдан ортиқ одамлар орасида касаллик қайд этилган. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили ҳақиқий беморлар сони 5-12,5 миллионгача бўлиши мумкин деб қаралади [17,18].

ЖССТнинг бруцеллез бўйича бирлашган кўмитасининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатларида 500 мингдан ортиқ одамлар орасида касаллик қайд этилган, аммо беморларнинг ҳақиқий сони 5-12,5 миллионгача бўлиши мумкин [17,18].

Республикада бруцеллёз инфекциясини эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Шунга қарамадан, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бруцеллёз билан касалланиш кўрсаткичлари нисбатан юқориликча қолмоқда, бу эса ўз ўрнида ушбу касалликга нисбатан фаол эпизоотик ва эпидемик вазият мавжудлиги

ҳамда касалликларни эрта ташхислашни, тегишли профилактик ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуасини такомиллаштиришни тақозо қилади. [5,8].

Бруцеллёз бўйича эндемик ҳудудларда, эпизоотик ва эпидемик омиллар фаоллигини самарали назорат олиб бориш мақсадида лаборатория текшируви усулларида фойдаланилади [1,2,20].

П. Е. Игнатовнинг (2010) фикрича, ҳозирги вақтда дунёда бруцеллёзга қарши курашишда иккита тизим (ёки ҳозирги вақтда дастур деб аталади) мавжуд, улардан бирида, ҳам эмлаш ҳам диагностикадан фойдаланилади, аммо бу дастурнинг самарадорлиги деярли йўқ. Бошқа тизимда - ҳар қандай эмлаш тақиқланади ва фақатгина диагностикадан (қоидага кўра серологик) фойдаланилади, у биринчисига қараганда самарали бўлиб, бруцеллёзни бутунлай тугатилишига эришиш мумкин [6].

Бруцеллёзнинг эпидемиологик назорати тизимида бу касалликка сифатли ва ўз вақтида ташхис қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда бруцеллани аниқлаш учун бактериологик ва серологик текшириш усуллари қўлланилади. Бактериологик текшириш натижани узок вақтда олиниши (1 ой) ҳисобига, индикация усулига бўлган талабга жавоб бера олмайди. Шу билан бирга, беморларда тез ва тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволаш, инфекцион жараёни ва ногиронликни келиб чиқиш ҳолатларини сезиларли камайтиради [1,3,5,7].

Бруцеллёзнинг клиник белгиларининг ҳар хил бўлиши, касаллик кечишининг бошқа касалликлар билан ўхшашлиги, яъни қатъий специфик белгиларнинг йўқлиги кўпинча қийинчилик туғдиради ёки ташхисотда хатоликга олиб келади. Бу ҳолатлар, тўлиқ бўлмаган анамнезда, клиникасининг ўхшамаслиги, супер- ва реинфекцияда, рецидивда ва инфекциянинг латент шаклларида кўп учрайди. Бундай ҳолатларда текширишнинг лаборатория усуллари муҳим аҳамият касб этади [5,8,19].

Ҳозирги вақтда одамлар ва ҳайвонларда бруцеллёзнинг ташхисотида ишончли, ёрдамчи усуллардан бири серологик синамалар ҳисобланади. Бундай синамаларга одамларда Хеддельсон, Райт, Пассив гемагглютинация реакцияси, Кумбс реакцияси ва б.к., ушбу усулларга мос равишда ҳайвонларда Розбенгал синама, Агглютинация реакцияси, Комплементни боғлаш реакциясидан фойдаланилади [2,3,4,5,19]. Айтиб ўтилган усулларни стандартлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун ФАО/ЖССТ нинг Биологик стандартизация бўйича экспертлари уюшмасининг талаблари ва тавсияларига мувофиқ, барча мамлакатларда халқаро бирликда (ХБ/мл) фойдаланадиган титрдаги зардобга мос келадиган ўзининг миллий стандарт зардобига эга бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинган [12,15].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тиббиёт ва ветеринария амалиётида бруцеллёз диагностикасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Аммо, миллий стандарт зардоб мавжуд эмаслиги сабабли, диагностикаларни

ишлаб чиқаришда қийинчилик туғдиради, биринчидан тижоратдаги аналогик стандарт зардобларнинг нархи қиммат. Бундан ташқари, миллий стандарт зардобларнинг мавжуд эмаслиги, тижоратдаги ва маҳаллий антигенларни назорат қилишда муаммо туғдиради, маҳаллий бруцеллёз препаратларини ишлаб чиқаришни ривожланишига тўсқинлик қилади, одамлар ва ҳайвонлардаги бруцеллёзнинг серодиагностикасининг самарадорлиги пасаяди [11,12,13,17].

Бундан ташқари, кўпгина тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, стандарт бўлмаган бруцеллёз антигенларини қўллаш, фойдаланиладиган серологик синамаларнинг диагностик аҳамиятини сезиларли пасайтиради [9,10,11,14,16].

Юқорида айтиб ўтилган фикрларни эътиборга олган ҳолда ҳамда ФАО/ЖССТ нинг тавсиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида стандарт зардоб тайёрланиши, миллий стандарт сифатида тасдиқланиши ва ишлаб чиқарилиши зарур.

Республикамизда бруцеллёз инфекциясини серологик усулда аниқлашни назорат қилиш мақсадида стандарт зардобнинг тайёрланиши натижасида:

